Биография

Ҳамидулла Дадабоев



Ҳамидулла Арипович Дадабоев ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослигининг фаол намояндаларидан бири сифатида илмий муҳитда ўз “мени”га эга. Серқирра олим илмий фаолиятининг асосий жиҳатини қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили ёдгорликлари тил хусусиятлари, уларда қайд этилган турфа соҳаларга доир лексик бойлик ва терминлар тизими тарихи, этимологияси, лексема ёки истилоҳлар маъно нозикликлари билан боғлиқ лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ташкил этади. Унинг VIII-XIX асрларга хос тарихий, адабий-бадиий, илмий манбаларда қўлланган ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, социал, бож ва солиқ, дипломатия, илми нужум ва соҳалар терминологияси устида олиб борган бир қатор монографик тадқиқотлари, юздан ортиқ илмий мақолалари ўзбек тили тарихи қатори туркийшуносликда ҳам алоҳида саҳифа очди. Олимнинг “Эски ўзбек тилидаги ҳарбий лексика” (Военная лексика в староузбекском языке) (1990), “XI-XIV аср туркий ёзма манбалардаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология” (Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычних писменных памятниках XI-XIV вв.) (1991), “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми XX аср боши)” (ҳаммуаллиф, 2007), “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари” (2017) сингари монографик изланишлари ўзбек ва туркий тиллар тарихий лексикологияси ва терминологияси соҳасида янги фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади. Ҳ.Дадабоевнинг республика ва хориж илмий журнал ҳамда тўпламларида эълон қилинган мақолалари илм аҳлини мозийда яратилган обидаларда қўлланишда бўлган ранг-баранг лексик бирликлар ва терминларнинг воқеланиш тарихи, семантикаси, этимологияси билан яқиндан ошно қилишга йўналтирилган. Ҳ.Дадабоев истеъдодининг яна бир қирраси тарихий манбалар тадқиқотчиси сифатидаги самарали фаолиятидир. Турк хоқонлиги, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Темурийлар салтанатига хос давлат бошқарув тизими, сиёсий-ижтимоий вазият, дипломатик муносабатлар, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат каби масалалар олимнинг илмий ҳаётида алоҳида ўрин тутади.

Биография



Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси буюртмасига биноан 10000 ададда нашр қилинган “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати” (1996) ҳамда “Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати” (2016), “Амир Темур - буюк давлат арбоби ва етук саркарда” (2012) каби рисола ва монографик тадқиқотлар дунё юзини кўрди. Ҳамидулла Дадабоевнинг нодир қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаш йўналишида ҳам салмоқли ишларга қўл урганлигини кўпчилик яхши билади. XIV аср ўзбек насрининг ноёб дурдонаси, энг қадимий нусхаси ҳозирги кунда Британия музейида сақланаётган, факсимилеси 1948 йилда К.Гронбек томонидан Копенгагенда нашр қилинган Носируддин Рабғузий қаламига мансуб “Қисаси Рабғузий” асарини 1990-1991 йиллари Э.Фозилов, А.Юнусов ва Н.Асилова ҳаммуаллифлигида “Ёзувчи” нашриётида икки китоб шаклида жорий алифбода тўрт юз минг ададда чоп этишда, 2010-2011 йилларда Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов ва Б.Тўхлиев билан биргаликда Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” фалсафий-дидактик асари илмий-танқидий матнини беш жилд шаклида эълон қилишда, 1960-1963 йилларда С.Муталлибов томонидан чоп этилган Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асари тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашрини 2016-2017 йилларда “Мумтоз сўз” нашриётида босмадан чиқаришда жонбозлик кўрсатиб, кўҳна манбалар тил хусусиятларини мукаммал эгаллаганлигини яна бир бор намойиш этди. 1983-1985 йилларда халқимизга туҳфа этилган тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”ни тузишда фаол иштирок этиб, луғатшунослик бўйича улкан тажриба тўплаган олим ўзбек адабий тили тарихини ўзида мужассам этган, тил ва терминология тарихи учун зарур бўлган йирик фундаментал манба - 16 босма табоқдан иборат “Тарихий ҳарбий терминлар луғати” (2003)ни нашр эттирди. 2008 йилда ЎзМУ нинг 90 йиллиги муносабати билан бу луғатнинг иккинчи нашри эълон қилинди. Ушбу луғатда VIII-XIX аср туркий обидаларда қўлланган уч мингдан ортиқ ҳарбий терминларнинг изоҳи келтирилган. Бу луғат нафақат ўзбек луғатшунослиги, балки туркийшуносликда ҳам дастлабки намуна сифатида эътироф этилди.

Биографий



“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нинг барча жилдларида 182 та мақоласи билан қатнашган Ҳ.Дадабоевнинг етук тилшунос қатори, билимдон тарихнавис эканлиги ҳам яққол кўзга ташланди. Олимнинг Амир Темур феноменига бўлган ҳурмати ва эҳтироми ҳозирда нашр қилиниши кутилаётган “Амир Темур даврдошлари мўъжаз энциклопедияси”да рўйирост намоён бўлган. Ушбу асарда Соҳибқирон замонида яшаган, у билан мулоқотда бўлган мингдан зиёд шахснинг суврати ва сийратига тарихий манбаларда қайд этилган ашёвий материалларга асосланган ҳолда объектив чизгилар берилган. Серҳаракат олимнинг раҳбарлигида 2010 йилдан эътиборан ҳар йили бир марта нашр юзини кўраётган “Лингвист” илмий мақолалар тўплами аллақачон республика тилшуносларини диққатига сазовор бўлган.

Олимнинг Туркия, Германия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон сингари мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро конференция, симпозиум ва конгрессларда ўқиган маърузалари, рус, немис, турк, инглиз тилларида чоп эттирган мақоллари ўзбек тилшунослигининг ҳозирги ҳолатидан чет эллик мутахассисларни яқиндан бохабар қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.